



"БОЖХОНА ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАХСУС ЧОРА- ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ"

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Худойбердиев Сардор Отабек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 220-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14938485>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 27th February 2025

KEYWORDS

божхона қоидалари,
ҳуқуқбузарликларнинг олдини
олиш, профилактика чоралари,
инновацион технологиялар,
қонунчиликни такомиллаштириш,
жамоатчиликнинг иштироки,
халқаро ҳамкорлик, иктисодий
хавфсизлик.

ABSTRACT

Божхона қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика чораларини такомиллаштириш мақоласида божхона фаолиятининг аҳамияти, божхона қоидаларини бузишнинг салбий оқибатлари ва уларнинг олдини олиш йўллари муҳокама этилади. Мақолада профилактика инспекторининг махсус чора-тадбирларини такомиллаштиришнинг зарурлиги, инновацион технологияларни жорий этиш, қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, жамоатчиликнинг иштирокини кучайтириш ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталанади. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига мувофиқ божхона фаолиятининг ривожлантиришига оид таклифлар баён этилади.

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни талаб этади.

Шу билан бирга, "қоғозсиз ва электрон божхона" лозим даражада ривожланмаяпти, контрабанда, контрафакт маҳсулотларни олиб ўтиш, коррупция, ноқонуний валюта операциялари ва божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш

усуллари божхона маъмуриятчилигининг замонавий ва синовдан ўтказилган усуллари қўллашни талаб этмоқда.

Божхона қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жамоатчиликнинг иктисодий, ижтимоий ва молиявий соҳаларига катта зарар етказиши мумкин. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш божхона органларининг асосий вазифаларидан биридир. Божхона қоидаларини бузишнинг олдини олиш учун профилактика инспекторининг махсус профилактик чоратадбирларини такомиллаштириш зарур. Ушбу мақолада божхона қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг аҳамияти, профилактика чораларининг мазмуни ва уларни такомиллаштириш йўллари ҳақида тўхталамиз.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Божхона постлари давлатимиз юзи, биринчи таассурот шу ердан бошланади. Улар обод, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай бўлиши керак, божхона тизимини коррупциядан холи қилиш энг устувор вазифа эканини, бу соҳа бошқа давлат идораларига намуна бўлиши керак” лигини таъкидлади¹.

Божхона қоидаларини бузиш иктисодий хавфсизликка, давлатнинг молия манбаларининг йўқолишига, ноқонуний мол ва хизматларнинг айланишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, божхона қоидаларини бузиш терроризм, ноқонуний оммавий қирғин воситаларининг тарқатилиши ва бошқа трансмиллий ҳуқуқбузарликларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, божхона қоидаларини бузишнинг олдини олиш давлатнинг иктисодий ва ижтимоий ривожини учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Божхона тизимини ислоҳ қилиш – мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”²

Божхона тартиб-қоидаларини бузиш турли шаклларда намоён бўлиши мумкин, жумладан:

- Контрабанда (қора бозор орқали товарларни ноқонуний олиб ўтиш);
- Божхона тўловларидан қочиш;
- Ёлғон декларациялар тақдим этиш;
- Лицензиялаш ва сертификатлаш талабларини бузиш;
- Қонунбузарликларни яшириш учун ҳужжатларни сохталаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”³ ги қонунининг 3-моддасида Божхона органларининг асосий вазифалари келтирилган бўлиб, жумладан; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш;

божхона тўловларини ундириш;

божхона тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонунчилик бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

¹ Божхона тизимини коррупциядан холи қилиш – энг устувор вазифа.. Президент Шавкат Мирзиёев

2022 йил 17 февраль куни божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиши., <https://president.uz/uz/lists/view/4985>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси., <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

³ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида” ги қонуни 2018 йил 18 октябрь, ЎРҚ-502-сон., <https://lex.uz/docs/4000640?ONDATE=29.11.2023%2001>

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиш;

ташқи савдо операцияларининг мониторингини амалга ошириш, экспорт-импорт шартномаларининг ижросини таҳлил қилиш, шунингдек ташқи савдо операцияларининг божхона органларига тааллуқли қисмини ўтказишда валюта тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш;

товарларнинг ташқи савдосига доир божхона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритиш;

фуқароларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

хавфни бошқариш тизими қўлланилиши самарадорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш;

божхона органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва назоратнинг техник воситаларини қўллаш;

божхона ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш деб келтирилган

Президентимиз Ш.Мирзиёев “Божхона тизими мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайдиган муҳим бўғин. Бу тизим тўғри ва очиқ-ошкора ишламаса, тадбиркорлик ва инвестицияларга тўсиқ бўлади. Шу боис

2019 йилда божхона маъмуриятчилиги ислоҳ қилиниб, тартиб-таомиллар енгиллаштирилган эди. Жумладан, божхона постларида соддалаштирилган йўлақлар жорий этилди. Бугун йўловчиларнинг 95 фоиз ва юкларнинг

75 фоизи шулар орқали ўтмоқда. Илгари 12 та идорадан олинган 60 турдаги рухсатномалар “ягона дарча” орқали электрон шаклга ўтказилди. Буларнинг натижасида божхонада юкларни расмийлаштириш вақти 10 баробаргача қисқарди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида экспорт ҳажмини 30 миллиард долларга, хорижий туристлар сонини 7 миллионга етказиш мақсади белгиланган. Бу божхона соҳасига алоҳида масъулият юклайди”⁴ деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг божхона соҳасини ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари божхона қоидаларини бузишнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, Президентнинг 2018-йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵ги Фармони шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.04.2022 йилдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122-сонли Фармонларида божхона органларининг самарадорлигини ошириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш каби чоралар белгиланган. Бу Фармонлар божхона қоидаларини бузишнинг олдини олишда муҳим йўл-йўриқ вазифасини ўтаётганини таъкидлаш мумкин.

Божхона қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун профилактика инспектори қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши керак:

⁴ Божхона тизимини коррупциядан холи қилиш – энг устувор вазифа.. Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 17 февраль куни божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиши., <https://president.uz/uz/lists/view/4985>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 12.04.2018 йилдаги ПФ-5414-сон., <https://lex.uz/uz/docs/3680568?ONDATE=27.04.2022%2000>

биринчи. тушунтириш ва тарғибот ишлари:

Божхона қонунчилигига риоя қилиш зарурияти ҳақида фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш.

Божхона ҳудудларида божхона органлари ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда маълумот тарқатиш (буклетлар, плакатлар, аудио-видео материаллар).

Ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ва жазо чоралари ҳақида тушунтиришлар бериш.

иккинчи. ҳуқуқбузарликларга оид маълумотларни таҳлил қилиш

Божхона қонунбузарликларини содир этган шахслар ва уларнинг усуллари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш.

Божхона ҳудудларида тез-тез учрайдиган ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Божхона ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан маълумот алмашиш.

учинчи. маҳаллий ҳамкорликни йўлга қўйиш

Божхона қоидаларини бузишнинг олдини олишда бошқа давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Божхона хизматлари ва чегарачилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш.

Бу чора-тадбирлар профилактика инспекторига божхона ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда самарали ёрдам беради.

Божхона қоидаларини бузишнинг олдини олишда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

биринчи. рақамли трансформацияни кучайтириш: Божхона жараёнларини рақамлаштириш, махсус дастурлар ва платформаларни жорий этиш.

иккинчи. кадрларнинг малакасини ошириш: Божхона ходимларининг малакасини ошириш учун махсус тренинглар ва курсларни ташкил этиш.

учинчи. ижтимоий маълумотларнинг аҳамиятини ошириш: Жамоатчиликни божхона қоидаларини бузишнинг олдини олишда фаол иштирокини таъминлаш.

тўртинчи. халқаро стандартларга ўтиш: Божхона фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш, бунинг учун халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки божхона қоидаларини бузишнинг олдини олиш давлатнинг иктисодий ва ижтимоий ривожини учун муҳим аҳамиятга эга. профилактика инспекторининг махсус чора-тадбирларини такомиллаштириш орқали божхона қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун инновацион технологияларни жорий этиш, қонунчиликни такомиллаштириш, жамоатчиликнинг иштирокини кучайтириш ва халқаро тажрибадан фойдаланиш зарур. Фақат интизомли ва изчил ишланган чора-тадбирлар орқалигина божхона қоидаларини бузишнинг олдини олиш ва давлатнинг иктисодий хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. <https://www.lex.uz/docs/6445145#6446075>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. <https://www.lex.uz/acts/2387357>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида” ги қонуни 2018 йил 18 октябрь, ЎРҚ-502-сон. <https://lex.uz/docs/4000640..29.11.2023>
4. Божхона тизимини коррупциядан холи қилиш – энг устувор вазифа.. Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 17 февраль куни божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиши., <https://president.uz/uz/lists/view/4985>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
6. Божхона тизимини коррупциядан холи қилиш – энг устувор вазифа.. Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 17 февраль куни божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиши., <https://president.uz/uz/lists/view/4985>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 12.04.2018 йилдаги ПФ-5414-сон., <https://lex.uz/uz/docs/3680568?ONDATE=27.04.2022%2000>
8. Nizomiddin, Ruslan va Xamdani Qadamovich Babaxonov. "FIRIBGARLIK JINOYATLARI PROFILAKTIKASINI TOSHKIL ETISH TARTIBINI INSPEKTORIYASINI profilaktikasi". Indeksflash 2.11 (2024).

